

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ТАХЛИЛИ

Туробова Хулкар Рустамовна,
Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси,
E-mail: hulkar-rustamkhon@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада диверсификациялашнинг фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти изоҳлаб берилган ва бугунги кунда фаолият юритаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларининг фаолияти тахлил қилинган.

Аннотация: В данной статье раскрывается важность диверсификации в развитии деятельности фермерских хозяйств и анализируется деятельность в многоотраслевых фермерских хозяйствах.

Abstract: In this article highlighted the importance of diversification in the development of farms and analyzed operating diversified farms.

Калит сўзлар: фермер хўжаликлари, диверсификация, горизонтал, вертикал, конгломерат, диверсификациялаш стратегияси, кооперация алоқалари.

Кириш

Қишлоқ хўжалигида етакчи тадбиркорлик субъекти бўлиб фермер хўжаликлари ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётида фермер хўжаликларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Фермер хўжаликларининг ривожланиши бевосита ва билвосита иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар асосан фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган. Кейинги йилларда асосий эътибор фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини кўп тармоқли қилишга қаратилган. Ҳар қандай хўжалик субъектини иқтисодий ёки молиявий инқироздан олиб чиқишнинг йўлларида бири улар фаолиятини диверсификациялаш, яъни кўп тармоқли қилишдир. Фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш улар фаолиятини барқарорлаштириш ва янада ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Биринчи Президенти И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобида «иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналиши – бошланган таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш ҳисобланишини» таъкидлаб «...иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнлари борасидаги ислохот ва янгиланишлар йўналиши 2000 йилдаёқ белгилаб олинганлигини, бироқ жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни

мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўяётганлигини, бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарур»лигини қайд этдилар [3].

Бундан ташқари 2017 йилда қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланиб, унда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустақкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш; фермер хўжаликлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлиги белгилаб олинди [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Диверсификация ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, иқтисодий фойда олиш, банкротликка барҳам бериш ва бошқа бир қатор мақсадларда амалга оширилади. Илгари бир соҳада ихтисослашган фирмаларнинг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия ва ҳоказо) бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига, биринчи навбатда, юқори фойда берадиган соҳаларга кириб бориши уларнинг хўжалик фаолияти соҳалари ва имкониятларини кенгайтиради.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида диверсификациялашнинг қуйидаги йўналишларда мавжудлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Диверсификациялаш йўналишлари

Манба: Муаллиф тадқиқотлари натижасида тузилди

Тадқиқотларимиз давомида диверсификациялашнинг турли кўриниш ва йўналишларга эга эканлиги маълум бўлди. Россиялик олим ва мутахассислар томонидан диверсификациялаш иккита асосий - боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган

турларга ажратилади [2,4]. Боғлиқ диверсификациялаш кооперация фаолиятидаги бизнеснинг мавжуд соҳалари (масалан, ишлаб чиқариш, маркетинг, моддий таъминот ёки технология) билан боғлиқ бўлган янги соҳадир. Боғлиқ бўлмаган диверсификациялаш фаолият ва бизнеснинг мавжуд соҳалари билан очиқдан-очиқ алоқаси бўлмаган янги соҳалари инобатга олинган.

Бошқа хорижий адабиётларда кўрсатилишича [5,7,8], диверсификациялаш горизонтал, вертикал, конгломерат ва бошқа бир нечта турларга бўлинади.

Горизонтал диверсификацияда хўжалик асосий фаолият билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланади. Масалан, ўсимликчиликда бир неча хил ўсимликлар яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиради.

Вертикал диверсификацияда хўжаликлар бирор турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш, яъни маҳсулотни етиштириш, уни сақлаш ва қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйишни тушуниш мумкин.

Конгломерат диверсификация деганда хўжалик асосий фаолиятига умуман алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиши тушунилади. Масалан, асосий фаолияти ўсимликчилик бўлган хўжаликлар чакана савдо, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёки бошқа шунга ўхшаш фаолиятлар билан шуғулланишидир.

Диверсификациялашнинг қандай кўринишидан фойдаланилмасин, у қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятини самарали ташкил этиш, юқори фойдалилигини таъминлаш, уларни барқарор ривожлантириш имкониятини беради. Маълумки, қишлоқ хўжалигида меҳнат ва маҳсулот етиштириш мавсумий характерга эга бўлганлиги ва табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги сабабли фермер хўжаликлари даромадининг кўп ёки оз бўлиши бевосита йилнинг қулай ёки ноқулай келишига боғлиқдир. Об-ҳаво ноқулай келган вақтда хўжаликларнинг оладиган даромади кескин камайиб кетиб, йилни зарар билан якунлаш эҳтимоли юқоридир. Шунингдек, ўсимлик ва чорва моллари турли касаллик ва зараркунандалар тарқалиши, бозордаги талабнинг ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг паст бўлиши, ёнилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар баҳоларининг ортиб кетиши, баъзи турдаги иш ва хизматлар бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қўйиладиган юқори нархлар фермер хўжаликлари даромадининг пасайиши ва тўловга лаёқатсиз қилиб қўяди. Бундай шароитда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга ўз хўжаликларида диверсификациялашнинг турли йўналишларини ривожлантириши лозим.


Тадқиқот методологияси

Тадқиқот учун Бухоро вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликлари танлаб олинди. Тадқиқот давомида Бухоро вилоятининг фермер хўжаликларининг фаолияти тизимли таҳлил қилинди. Хулоса ва тавсиялар

ишлаб чиқишда ўтказилган монографик ва эксперт таҳлил натижаларига асосланildi.

Таҳлил ва натижалар

Бухоро вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш дастури доирасида бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Вилоятда 2016 йил якуни бўйича 7234 та фермер хўжаликлари фаолияти юритади. Шундан кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг сони 1359 та ташкил этади. 2015 йилда дастур доирасидаги лойиҳаларда 1305 та фермер хўжалиги иштирок этиши мўлжалланган бўлиб, уларнинг фаолиятини диверсификациялаш мақсадида жами 82516 млн.сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши мақсад қилинган эди. 2017 йилда эса жами 65633 млн.сўмлик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилди. Лойиҳада 1460 та фермер хўжалиги қатнашди. 2017 йил 1 октябрь ҳолатида жами йўналишлар бўйича режалаштирилган лойиҳалар қийматининг 33 фоизи бажарилган.



2-расм. 2017 йилда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш бўйича лойиҳалар


Манба: Бухоро вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Токзор, иссиқхона, сервис хизмати, нон ва нон маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, совуткичлар, балиқчилик тармоғларини ташкил этиш ортиғи билан бажарилган бўлса, баъзи соҳалар яъни, гўшти, сутни ва меваларни қайта ишлаш, ва қуёнчилик соҳаларида белгиланган режадаги лойиҳалар бажарилмаган.

Ушбу соҳаларда режалаштирилган лойиҳалар амалга оширилмаганлигига асосий сабаб, етарли даражада ўз маблағлари ва банк маблағлари ажратилмаганлиги бўлган.

2-расмдан кўриниб турибдики, лойиҳаларни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағларнинг 80 фоизидан ортиғи фермер хўжалиklarининг ўз маблағлари ҳисобидан режалаштирилган. Асаларичилик, балиқчилик ва сабзавотчиликни ташкил этиш учун фермерларнинг 100 фоиз ўз маблағларига асосланган.

Фермер хўжаликлари фаолияти диверсификациялашни кучайтириш тадбирлари натижасида фермерларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ҳам ортиб бормоқда. Бухоро вилоятида фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш натижасида 2014-2016 йилларда фермерлар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати 3-расмда келтирилган.




3-расм. Бухоро вилоятида фермер хўжаликлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати ва иш билан бандлар сони

Манба: Бухоро вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

3-расмдан кўриш мумкинки, фермер хўжаликлари томонидан нон ишлаб чиқариш 523 фоизга, ун маҳсулотлари 73 фоизга, тери ошлаш 110 фоизга, олтингургурт 9 фоизга шағал қазиб олиш 64 фоизга ошган. Лекин сут, ғишт, гилам ишлаб чиқариш ҳажми камайган. 2016 йилда фермерлар томонидан брусчатка, клетка ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг кўп салмоқни ғишт ишлаб чиқариш эгаллайди. Унинг салмоғи бошқа маҳсулотларга нисбатан жуда юқорилиги сабабли уни диаграммага жойлаштирамадик. 2014 йилда 23463 минг дона бўлса, 2016 йилда 23086 минг дона ғишт ишлаб чиқарилган. 2014 йилда иш билан бандларнинг 65 фоиздан ортиғи ғишт ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган.


Бухоро вилоятида фермер хўжаликлари фаолияти диверсификациялашнинг самарасини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлиги ошганлигидан ҳам кузатиш мумкин. Вилоятда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги қуйидаги 4-расмда келтирилган.



4-расм. Бухоро вилоятида фермер хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги, ц/га

Манба: Бухоро вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

4-расмдан кўриниб турибдики, вилоятда экинларнинг ҳосилдорлиги ошган. Чорвачилик маҳсулотлари ҳажми ҳам ошиб борган, лекин уларни етиштиришда фермер хўжалиklarининг улуши жуда ҳам камдир (5-расм).



5-расм. Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари

Манба: Бухоро вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун кенг имкониятлар бўлишига қарамай, тизим хўжаликларида етиштирилган гўштни 2013-2016 йилларда мос равишда 2,7-2,9 фоизи, сутнинг 3,6-3,6 фоизи, тухумнинг 11,4-10,7 фоизи ва қорақўл терининг 4,8-5,5 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши ва вилоятда атиги 10 фоиз майдонда чорва озуқа экинлари экилганлиги аниқланди. Вилоятда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг аксарияти шахсий хўжаликларга тўғри келади.


Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилганлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида бу соҳани ҳам ривожлантириш

долзарб муаммо ҳисобланади. Шу мақсадда республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга катта эътибор берилиб, фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялашни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган монографик таҳлиллар натижасида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялашнинг самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ.



6-расм. Диверсификациялашнинг даражасига таъсир этувчи омиллар [6].

Иккинчидан, фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришдаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Лекин чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжалиklarининг улуши ҳанузгача пастлигича қолмоқда.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни асосий сабаби бўлиб, фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш натижасида алмашлаб экишни йўлга қўйилгани ва унумдорликни ошганлиги бўлиши мумкин. Яна бошқа томондан кузатувлар ва эксперт таҳлили натижасига асосланиб айтиш мумкинки, охириги йилларда катта маблағ эвазига мелиорация ва ирригация соҳасида амалий тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ерларнинг унумдорлиги ошган бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, фермер хўжаликлари фаолиятида турли хил тармоқларни ташкил этиш маблағга боғлиқ. Ушбу маблағларнинг катта қисми ўз маблағлари ҳисобига тўғри келади. Лекин фермер хўжаликлари фаолиятининг молиявий натижалари таҳлил қилинганда уларнинг рентабеллиги даражаси 7,9-9,5

фоизни ташкил этганини айтиш мумкин. Кўпгина фермерлар фаолиятини кенгайтириш учун ўз маблағи манбаларининг етишмаслиги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш даражаси ва самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Фермер хўжаликлари ер майдонларининг жойлашган жойига, тупроқнинг сифатига қараб тармоқни танлаш ва экинларни жойлаштиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш;

2. Фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялашда қуйидагилар, яъни хўжаликлар маҳсулотлар ассортиментини янада ошириши, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ишлаши, янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, янги бозор сегментларини эгаллаши, маҳсулотлари сотиладиган бозорларни кенгайтириши, ўз таъминот базасини яхшилаши ва ҳамкорликда (кооперация муносабатлари) фаолият юритишни инобатга олиш зарур (7-расм).



7-расм. Фермер хўжалиги фаолиятини диверсификациялашни ривожлантириш стратегияси[6].

3. Диверсификациялаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида кооперация муносабатларини ривожлантириш зарур. Чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган хўжаликлар ўртасида кооперация алоқалари, яъни ҳамкорлик (биргалик)даги фаолиятни йўлга қўйиш. Бунинг натижасида қуйидагиларга эришамиз: алмашлаб экиш йўлга қўйилиши натижасида ҳосилдорлик юқори бўлади; табиий шароит ноқулай келиши сабабли ҳосилдорлик пасайиши натижасида оладиган фойда камайиб кетган ҳолатларда бошқа тармоқлар орқали уларни қоплаш имкояти туғилади; аҳолининг йил давомида доимо иш билан бандлиги таъминланади; техника

воситаларидан йил давомида узлуксиз фойдаланиш имкони туғилади; фермер хўжаликлари майдонларидан чиққан дағал хашак ва сомонлардан унумли фойдаланиш ва маҳсулот бирлигига қилинадиган озуқа харажатларини тежашга эришилади; бепул маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланиб, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ҳосилдорликни кўпайтиришга эришилади; вилоят аҳолисини чорва маҳсулоти, айниқса, гўшт, сут ва тухумга бўлган эҳтиёжларини маълум даражада қондиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлари стратегияси. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль.
2. Быковская Н.В., Свешникова Т.В. Особенности диверсификации аграрного производства в современных условиях // www.edu.rgazu.ru.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009, 22- бет.
4. Кокова Э. Диверсификация производства как фактор стимулирования интеграционных процессов в АПК.// <https://cyberleninka.ru/>.
5. Upma Dutta, Julie Dogra and other. Diversification in agriculture: opportunities and strategies in India// *Rashtriya Krishi*, vol.6 (2); dec., 2011.
6. Муаллиф ишланмаси
7. <http://dengifinance.ru>,
8. <https://studme.org>,